БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 226 (4325)
3 ОКТЯБРЬ 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ДОҲИЙ НУТҚИГА БАҒИШЛАНАДИ

Республиканинг комсомол ташкилотларида В. И. Лениннинг РКСМ III съездида сўзлаган нутқининг 60 йиллигига бағишланган ижтимоий-сиёсий лекциялар бошланди. Завод клубларида, дала шийпонларида лекторлар ва докладчилар йўлбошчининг нутқи тўғрисида сўзлаб бермоқдалар. Ана шу нутқ совет ёшларининг барча авлодлари учун ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолди. 2 октябрь куни Тошкентда Ильич нутқига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияни Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети уюштирдилар.

Шу кунларда Ленин комсомоли ветеранлари билан учрашувлар ўтмоқда, социалистик мусобақанинг ёш ғолиблари шарафланмоқда. (ЎзТАГ).

Ҳаётда актив позицияни қарор топтирайлик

«Таштекстильмаш» заводи бригадалари, участкалари, цехлари коллективларида бир юз элликдан кўпроқ пропагандист партия сўзини омма онгига етказмоқда, машинасозларни янгидан-янги меҳнат зафарларига сафарбар этмоқда. Икки минг киши корхонадаги сиёсий ва иқтисодий таълим системасида, коммунистик меҳнат мактабларида мунтазам равишда шуғулланмоқда. Марксизм-ленинизм кечки университетининг филиали ишлаб турибди.

«Таштекстильмаш» заводининг пропагандистлари меҳнаткашларни ғоявий эътиқодлилик руҳида тарбиялаш соҳасида бой тажриба орттиришган.

Пропагандистларнинг 2 октябрь куни бўлиб ўтган умумзавод йиғилиши сиёсий маориф ва иқтисодий таълим шохобчаларида янги ўқув йилига тайёргарлик масаласига бағишланди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига меҳнат вахтасини идеологик жиҳатдан таъминлаш, ҳар бир машинасозни социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги вазифалар ҳақида гапирдилар.

Энг яхши пропагандистлар — ремонт-механика цехининг слесари Валентин Семенюк, инженер Ботир Исҳоқов, сиёсий маориф кабинетининг мудири Валентина Саркисова ва бошқалар омма ўртасида сиёсий иш олиб бориш соҳасидаги ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Улар ўзларининг ижодий режалари тўғрисида, машғулотларга, дастлабки лекцияга тайёргарлик ҳақида гапирдилар. Бу лекция «Ленин партияси — давримизнинг ақл-идроки, виждони ва шон-шарафи» мавзуига бағишланади.

Йиғилиш аҳли Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги барча агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва пропагандистларга қарата мурожаат қабул қилди. Улар бу мурожаатда ҳар бир ишчини юксак коммунистик ғоявийлик учун, ҳаётда актив позицияда туриш учун кунт билан кураш олиб боришга даъват этдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ КЕЛАЖАККА ОДИМЛАМОҚДА

Ўзбекистон пойтахти йил сайин гўзаллашиб, ёшариб бормоқда. Кейинги йилларда вужудга келтирилган янги турар жой кварталлари, кўркам магистраллар, хиёбонлар тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонлари кўзини қувонтирмоқда. Шаҳар кўкка бўй чўзяпти. Уй-жой микрорайонлари қурилиши кенг миқёсда давом этмоқда. Тошкент бизнинг кўз ўнгимизда, бевосита иштирокимизда эртанинг коммунистик шаҳрига айланиб боряпти.

Хўш, унинг эртанги қиёфаси қандай бўлади? Бу савол барча тошкентликларни қизиқтириши шубҳасиз. Биз бугун шаҳарсоз меъморларнинг Тошкентнинг эртанги такрорланмас қиёфасини яратиш борасида олиб бораётган ижодий ишлари, янги лойиҳалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

● ЯНГИ ОСМОНЎПАР БИНОЛАР | ● БЎЛАЖАК ЕР ОСТИ ҚАСРЛАРИГА САЁҲАТ | ● ШАҲАРНИНГ ҚАДИМИЙ ДАРВОЗАСИ ЁНИДА



БОШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА

БУГУН—КЎЧА, ЭРТАГА—ПРОСПЕКТ

Реконструкция қилинаётган Б. Хмельницкий кўчаси ҳақида ана шундай дейиш мумкин.

«Ташгипрогор» меъморлари Б. Хмельницкий кўчасида қад кўтарадиган иккита 12 қаватли турар жой биносининг техник лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу икки бино аэропорт яқинидаги кўприк олдида, чап ва ўнг томонларда қурилади. Проспект муаллифлари меъморлар А. Дизик, Е. Калишер, инженер А. Александрович ва В. Поваричлардир.

Иккала уйнинг ҳам биринчи қаватида саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари магазини, ёдгорлик буюмлари ҳамда китоблар дўкони, маиший хизмат уйи ва модалар ательеси бўлади. Уйлардан бирининг томида соат, иккинчисида эса электрон табло ўрнатилади.

Турар жой бинолари галерея типида бўлади. 12 қаватли бинолар кўчанинг қарама-қарши томонидаги ана шундай уйлар билан бир қаторда жойлашгани учун шаҳарга кираверишда дарвоза вазифасини бажаради. Проспект архитектура-планлаштириш Бош бошқармасида кўриб чиқилди ва аъло баҳога сазовор бўлди.

Уйларни лойиҳалашда аэропорт ва темир йўлнинг яқинлиги билан боғлиқ бир қатор масалалар ҳисобга олинган. Галереялар қулай томонларга қаратилган. Ошхоналарнинг деразалари бурчак қилиб қурилган. Натижада квартирага шовқиннинг кириши анча камаяди. Уч хонали квартираларда иккита хона шимол томонга қараган. Бу эса нормага тўла мос. Уйларнинг томида дам олиш зонаси ташкил этиш мумкин. Бу билан ҳовлининг торлиги билинмайди. Кириш ва ўтиш жойлари, ободончилик элементлари норма талаблари даражасида бажарилган. Уйларни 1982—83 йилларда тиклаш мўлжалланган.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

●

Олтмиш оила учун

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли Уй-жой қурилиш тресті 40-бошқармасининг Ўрин Эшёзов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи шаҳримизнинг «Марказ —26» кварталида олтмиш хонадонга мўлжалланган турар жой биносини зарбдор суръатда бунёд этишяпти. Кунлик смена топшириқларини 20—25 процентдан ошириб адо этаётган уйсозлар

БУГУН

беш қаватли ана шу бинода умумий қурилиш ишларини муддатидан илгари бажариб бўлдилар. Пардозчилар учун ҳам иш фронти яратиб берилди. Эндиликда трестга қарашли «Ташмосстрой» бошқармасининг сайқалчилари сувоқчилик ва бўёқчилик ишларини тезкорлик билан олиб боришяпти. Бинокорлар объектда қурилиш ишларини тиғиз график асосида ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, бинокорлик материаллари тежаш туфайли уни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. 60 оилага шодлик бахш этадиган бу турар жой биноси Улуғ Октябрнинг 63 йиллик байрами арафасида ишга туширилади.

М. ФЕЛЬДМАН.

МЕЪМОРЛАР УСТАХОНАСИДА

Ёмғир ҳам, қор ҳам писанд эмас...

Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий тадқиқот институтининг техника фанлари кандидати У. Фозилов, инженерлардан С. Хўжаев ва Ю. Шумдан иборат ижодий коллективи турар жой биноларининг янги конструкциялари томлари лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Унда одатдаги рулон типида том ёпиш ўрнига сув ўтказмайдиган, ҳар жиҳатдан пишиқ, чидамли материаллардан фойдаланиш тавсия этилган.

Янги конструкциянинг асосий хусусияти том ёпиш учун ишлатиладиган материалларни юксак индустриал асосда тайёрлаш мумкинлиги, чидамлилиги билан характерланади. Бу эса биноларнинг томини ёпиш учун ишлатиладиган харажатларни 5 процент камайтириш имконини беради. Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг Уй-жой қурилиш тресті коллективи шаҳримизнинг Қорақамиш ва бошқа турар жой массивларида меъморларнинг янги лойиҳасидан фойдаланиб, олтита тўрт қаватли йирик панелли уй-жой биносини бунёд этди. Дастлабки тажриба янги конструкция асосида том ёпишни амалга ошириш анча қулайлигини кўрсатди. Институт лабораторияларида бу технологияни янада такомиллаштириш, қор ҳам, ёмғир ҳам кор қилмайдиган материалларнинг хусусиятини ўрганиш давом эттирилмоқда.

И. РАШИДОВА,
Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий тадқиқот институти пропаганда группасининг раҳбари.

«Оқтепа» микрорайони

«Ташгипрогор» ижодий устахонасининг ходимлари — лойиҳа бош архитектори И. Коптелова, бош инженер Л. Самойлова ва бошқалар Октябрь районидаги Самарқанд дарбоза кўчаси бўйлаб Оқтепа микрорайони қурилишининг техник лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

Қурилиш майдони 17,3 гектар ерни эгаллайди. У Самарқанд дарбоза кўчасининг охирида, Оқтепа каналининг чап томонида тикланади. Ҳозир бу майдон бузилиши лозим бўлган бир қаватли пахса уйлар билан қопланган. Лойиҳалаштирилаётган микрорайонда тўққиз қаватли 108 ва 72 квартирали, тўрт қаватли 48 ва 32 квартирали уйлар қуриш кўзда тутилган. 40 синфли мактаб, 560 ўринли болалар боғча-ясли комплекси, савдо маркази, жамоат тадбирлари ўтказиш учун мўлжалланган қизил бурчак, болалар сут ошхонаси тарқатув пункти, 40 машинага мўлжалланган ер ости гаражи ва бошқа объектлар қад кўтаради.

48 квартирали тўрт қаватли уйлар оила аъзолари кам бўлган оилаларга мўлжалланган. Шунингдек, шаҳар аҳолисининг талабларини ҳисобга олиб, жамоат тадбирлари, тўйлар ўтказиш учун алоҳида хоналар ажратилган.

Шаҳар магистраллари бўйлаб жойлашган тўққиз қаватли турар жой бинолари ҳамда микрорайон ичидаги тўрт қаватли бинолар 1,5—2 минг аҳолидан иборат турар жой группаларини ташкил этади. Бу группалар ўртасидан микрорайон марказига йўналган хиёбонлар ўтади. Марказда эса мактаб ва болалар боғчаси комплекси қад кўтаради. Уларнинг атрофидаги ҳалқа шаклидаги хиёбон барча хизмат муассасаларини бир-бирига боғлаб туради. Тўққиз қаватли уйлар ўртасида қуриладиган уч қаватли бинолар аҳолининг турар жой группалари учун қизил бурчак сифатида лойиҳалаштирилган. Ана шу бинолар билан биргаликда тўққиз қаватли бинолар яхлит, ўзига хос меъморчилик ансамблини ташкил этади.

Квартираларда шовқинни камайтириш учун тўққиз қаватли биноларнинг эшик ва зиналари кўча томонга қараган бўлади. Ҳовли билан боғланиш қулай бўлиши учун ҳар бир зинадан ҳовлига ўтадиган йўл қолдирилади.

Болалар боғчасидаги майдончаларда шийпонлар, шовқинни қайтарадиган махсус соябонлар ўрнатилади. Оқтепа микрорайони территорияси ободонлаштирилади, бу ерга сув олиб келинади, барча майдоннинг ярмига яқини дарахтлар билан қопланади.

Биноларнинг ташқи томонини пардозлашда мармар, гранит, сопол плиталар сингари чидамли ҳамда сифатли материаллардан фойдаланилади. Лойиҳачилар қурилишга мўлжалланган смета маблағидан икки миллион сўмини тежашга муваффақ бўлдилар.

Т. ҲАКИМОВ,
инженер.

СУРАТДА: «Оқтепа» микрорайонида бар по этиладиган турар жойларнинг лойиҳасидан бир кўриниш.

1984 ЙИЛГА БИР НАЗАР

Муҳташам 12 ер ости қасридан иборат пойтахтимиз метрополитени бугунги кунда ҳамшаҳарларимизнинг вақтини тежаб, узоғини яқин қилиб турибди. Биз бугун ҳурматли оқшомхонлар Тошкент ер ости йўлининг саккиз километрдан ортиқ иккинчи йўналишидаги дастлабки станция ҳақида ҳикоя қиламиз.

Етти станциядан иборат бўладиган янги линия «Пахтакор» метро станциясини Авиасозлар шаҳарчаси билан боғлайди.

Ҳозир ҳар бир станциянинг энг яхши лойиҳаси учун конкурс авжида. Унда шаҳримизнинг кўплаб лойиҳалаш ташкилотлари, рассомлар, ижодий коллективлар иштирок этмоқда. «Ташметропроект» институти меъморлари томонидан тайёрланган станцияларнинг лойиҳа вариантлари билан таништиришни бошлаймиз. Бугун «Навоий» станцияси билан танишинг.

Ҳозирча шартли равишда «Навоий» деб номланган бу станция бевосита «Пахтакор» метро станцияси яқинида бўлади. Бу ерда ҳозир ер ости поездлари қатнаб турган трассадаги «зангори экспресс»ларнинг йўловчилари Авиасозлар шаҳарчасига бориш учун «Пахтакор» станциясидан «Навоий» станциясига ўтадиган жой бўлади. Станция платформаси 102 метр ва эни 10 метр бўлиб, у колонна типида бунёд этилади.

В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенининг биринчи йўналишидаги барча ер ости қасрлари миллий услубда сайқалланиб ноёб пардоз элементлари билан ўзига хос такрорланмас қиёфа касб этган. Бу анъана иккинчи йўналишнинг барча станцияларида, хусусан «Навоий» станциясида ҳам давом эттирилади.

Меъморлар станциянинг колонналари ва платформа деворларини, вестибюлларни турли рангдаги қимматбаҳо мармар билан сайқаллашга аҳамият беришган. Платформа поли ва вестибюллардаги касса заллари сайқалланган гранит билан жилоланади. Ҳозирги мавжуд станциялардан фарқли равишда лойиҳаланаётган станциянинг йўловчилар кириб чиқадиган ўтиш йўллари сопол плиталар билан безатилади. Эшиклар эса махсус ойна ва алюминийдан оригинал қилиб ишланади. Манзарали безаклар, иситиш системасининг ташқи жиҳозлари ҳам махсус алюминийдан ишланади. Станциялар ва вестибюллар кундузги чироқлар билан таъминланади.

Ер ости қасрининг архитектураси Ўзбекистоннинг миллий меъморчилик услуби ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилди. Станция бетондан қад кўтаради. Станциянинг шифтлари гумбазсимон ҳолда қуриш кўзда тутилган. Ҳар бир қуббани тайёрлашда нақшли сопол элементлардан фойдаланилади. Станциянинг йўловчиларни ер ости қасрига бошлаб кирувчи йўлакларидаги деворлар Ғозғон мармари билан, колонналари Нурота мармари билан безатилади. Шартли равишда «Навоий» деб номланган бу метро станциясини Навоий проспектига яқин жойдаги Абай кўчасида қуриш белгиланган.

Р. ФАИЗУЛЛАЕВ,
«Ташметропроект» институтининг бош архитектори.

СУРАТДА: станция эскизи.

Октябрь байрамига туҳфа

БУГУН

«Главташкентстрой» 153-трестига қарашли 29-қурилиш бошқармаси коллективи шаҳримизнинг Муқимий кўчасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентлари учун қурилаётган 9 қаватли ётоқхона биносининг конструкциялари монтажини ниҳоясига етказди. Умумий қурилиш ишларини мазкур трестнинг пешқадам коллективи — А. Малков бошлиқ комплекслашган бригада бажарди.

Айни пайтда шу трестга қарашли 13-бошқарма бригадалари пардозлаш ишларини бошлаб юборишди. Бу шаҳримизда қурилаётган 9 қаватли ётоқхоналарнинг учинчисидир. Қурувчилар уни 7 ноябрь — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига тахт қилиб қўйиш учун меҳнат қилмоқдалар.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

«Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси бригадалари Қўйлиқ—5Б массивида навбатдаги 30 хонадонга мўлжалланган беш қаватли турар жой биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйдилар. Конструкциялар монтажи ҳамда сайқал бериш ишларини мазкур комбинатнинг пардозлаш бригадалари бажарган.

Айни пайтда яна бир нечта беш қаватли бинолар хонадонларини қабул қилиш арафасида турибди. Уйсозлар бу биноларни Октябрь революцияси юбилейи арафасида фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Бугун

Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг юқори сифатли маҳсулотлари коллекцияси яна бир неча хил янги моделдаги либослар билан бойиди. Булар — кримплендан тикилган аёллар кўйлаклари, ипакдан, духобадан, ипгазламалардан тайёрланган болалар кийимлари ва велюр юбкалардир. Ҳаммаси бўлиб 14 хилдаги янги либос ишлаб чиқарила бошланди.

Бу йил бирлашма бўйича ана шундай янги моделларнинг 100 дан ортиқ хили ўзлаштирилиб, савдога чиқарилади.

●

«Ўзбекистон «оқ олтин»и» — шаҳримиз ва республикамиз китоб-дўконларига чиқарилган бежирим фотоальбом ана шундай деб аталади. Альбомдаги суратлар диёримиз тараққиёти ҳақида ҳикоя қилади.

«Ўзбекистон» нашриёти мазкур изоҳли альбомни ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида нашр этди. Альбомдаги қизиқарли иллюстрацияларда диёримиз бепоёнлиги, юртдошларимиз қўлга киритган зафарлар ўз тасвирини топган.

●

республика техника уйида «Тажриба алмашиш» зонал семинари ўз ишини тугатади. Илмий-техник ташкилотларнинг ташаббуси билан ўтказилаётган бу семинар инженер-техник ҳамда ижодий коллективлар планини социалистик мусобақа асосида ривожлантириш масаласига қаратяпти.

Семинарда шаҳримиз корхоналари ва ташкилотлари, илмий-техник марказлардан инженерлар, ишлаб чиқариш новаторлари, илмий ходимлар қатнашиб, ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

●

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетида Германияда биринчи ишчи-деҳқонлар давлати ташкил этилганига 35 йил тўлиши муносабати билан Германия Демократик Республикаси китоб декадасининг тантанали очилиш маросими бўлади. Китобсеварлар Демократик Республика адабиётининг мамлакатимизда кенг миқёсда чоп этилаётгани, иккала социалистик мамлакат нашриётлари ўртасидаги мустаҳкам алоқа ҳақидаги суҳбатни тинглайдилар.

Китоб кўргазмаси «Дўстлик» китоб магазинида очилади. Кўргазмада мингдан ортиқ бадиий адабиётлар, илмий-техник, сиёсий адабиётлар ҳамда мамлакатлар санъати ҳақида ҳикоя қилувчи тасвирий санъат альбомлари намойиш қилинади. Кўргазмага қўйилган адабиётлар Германия Демократик Республикасининг 50 дан ортиқ нашриётларида чоп этилгандир.

Эртага

Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи қошида ташкил этилган дуторчи қизлар ансамблининг янги программа билан чиқиши бўлади. Боғ зиёратчилари коллективнинг янги концерт программасидаги Шарқ классик куйлари ва қўшиқларини тинглайдилар. Ансамбль бу чиқишда бир қатор янги классик қўшиқлар ва рақсларни ҳам санъат мухлислари эътиборига ҳавола қилади.

5850000 «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

РЕСПУБЛИКАМИЗ «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА. 1 ОКТЯБРЬ КУНИ 194.030 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ ОЛИНДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН 3.313.769 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН, 141.435 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ.

Йиғим-терим мавсуми бошидан бери 85,75 процент миқдорида пахта тайёрлаган Тошкент области, 71,59 процент миқдорида пахта тайёрлаган Бухоро области, 67,94 процент миқдорида пахта тайёрлаган Қашқадарё области, 64,29 процент миқдорида пахта тайёрлаган Сурхондарё области заршунослари пешқадамлик қилишмоқда.

Кунлик ўсишда ўтган куни 5,57 процент миқдорида пахта топширган Сирдарё области ва 4,78 процент миқдорида пахта топширган Жиззах областининг меҳнаткашлари пешқадамлик қилишмоқда. Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Хоразм, ҚҚАССР, Андижон ва Наманган областларида ҳам шу куни уч процентдан ошириб пахта тайёрланди.

1 октябрь куни республикамизда йиллик планнинг 3,34 проценти миқдорида «оқ олтин» тайёрланди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қардош Болгарияда В. И. Ленин йили программаси доирасида ўтказилаётган «Ленин ва ҳозирги замон дунёсининг ижтимоий ривожланиши» халқаро учрашувининг қатнашчиларига ҳамда республика эълон қилинган куннинг 22 йиллиги муносабати билан Гвинея давлат партияси бош секретари, Гвинея Халқ Революцион Республикасининг президенти Аҳмад Секу Турега йўллаган табрик телеграммалари эълон қилинган.

▲ Тадқиқот ядро реакторларидан фойдаланиб бажариладиган илмий-тадқиқот ишларини координация қилишга бағишлаб Тошкентда ўтаётган XI Бутуниттифоқ кенгашида 2 октябрь куни ялпи мажлис бўлди.

СССР Конституцияси

куни олдидан

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЎСМИРЛАР ҲАҚИДА

«Ҳар бир совет кишиси Ватанининг қудрати ва равнақи пировард натижада ўз ҳуқуқларининг энг асосий гарантияси эканлигини равшан англаб олиши лозим».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СССР— кун сайин ривожланиб бораётган мамлакат. Бу мамлакат—қудратли ишлаб чиқарувчи кучлар, илғор фан ва маданият барпо қилган, халқ фаровонлиги муттасил ўсиб бораётган, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун тобора қулайроқ шароитлар вужудга келаётган жамиятдир. Бу қулайлик ва эркинликларнинг ҳаммаси СССР Конституциясида белгилаб берилган.

Доҳиймиз В. И. Лениннинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқарилган **биринчи** Конституция 1918 йил 10 июлда Советларнинг V Бутунроссия съездида қабул қилинган. Бу — Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси (РСФСР)нинг Конституцияси Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаб берди ва пролетариат диктатураси давлати бўлмиш Совет давлатининг синфий моҳиятини белгилади. Кейинчалик барча совет республикаларининг Конституцияларини яратиш учун намуна бўлди.

Иккинчи Совет Конституцияси—СССР Конституцияси 1924 йил 31 январда Советларнинг II Бутуниттифоқ съездида қабул қилинди. Бу Конституцияда иттифоқ социалистик давлатини ташкил этиш принциплари мустаҳкамлаб берилди. СССР Конституциясининг ташкил топиши Ғарб пролетариати ва Шарқ мазлум халқлари кўз ўнгида Совет давлатининг кучини оширди.

Орадан ўн икки йил ўтгач, 1936 йил 5 декабрда Советларнинг VIII Фавқулодда Бутуниттифоқ съезди СССРнинг **учинчи** Конституциясини қабул қилди. СССРнинг 1936 йил 5 декабрда қабул қилинган Конституцияси социализмни ривожлантириш ва такомиллаштиришга, ривожланган социалистик жамият қуришда, пролетариат диктатураси давлатининг ўсиб, умумхалқ давлатига айланишида катта роль ўйнади.

Орадан қирқ йил ўтгач, КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленуми, шунингдек, СССР Олий Советн Президиуми маъқуллаган СССРнинг **тўртинчи** Конституцияси Совет давлатининг аввалги Конституциялари билан давомийлик асосида яратилди. СССР Олий Советн 1977 йил 7 октябрда ўзининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида замонамизнинг энг буюк ҳужжати— СССР янги Конституциясини қабул қилди ва бу кун —умумхалқ байрами куни, деб эълон қилинди. СССРнинг янги Конституцияси ёш авлодга алоҳида эътибор ва ишонч билан қараш, совет ёшларини ҳар томонлама камол топтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида суғорилган. Шу билан бирга, ҳар бир йигит-қиз зиммасига СССРнинг муносиб гражданлари бўлиш, ўзининг социалистик Ватани учун жавобгар бўлиш бурчини юклади.

Чунончи, СССРнинг 18 ёшга тўлган барча гражданлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. СССР Конституцияси ҳар бир йигит-қизга шу гапларни айтади: **Сен энди ёш бола эмассан, улғайиб қолгансан, сен ўзинг учунгина эмас, бутун Совет давлати учун жавоб беришинг керак. Сен қардошларча интернационализм руҳида тарбия кўргансан, бинобарин, сен жаҳон олдида, бутун планетамиз олдида жавобгарсан. Бунинг маъноси шуки, сен улғайиб катта киши бўлиб қолдинг, мамлакат, халқ, партия сенга астойдил ишонади. Янги Конституция сендан ҳамиша маънавий камол топишингни талаб қилади. Бунинг боиси шуки, бизнинг ёшларимиз Ватанимизнинг тақдири ва шоншуҳратини ошириш учун жавобгар бўлишлари, идеологиямизни, ленинча дунё қарашимизни бутун дунё олдида мардона ҳимоя қилишлари керак. Сенга, албатта, улуғ одам бўл, дейдилар. Лекин инсон —гражданин бўлиш—сенинг бурчинг. Тўғри, баъзан сенинг тўғрингда баҳс қилишиб, ҳали сен ҳеч нарса кўрмагансан деб айтишади, сени ҳали мурғак, ҳали ҳаёт тажрибаси йўқ, дейдилар...**

Дейдиларки, тарих —муаллим, тажриба—маслаҳатчи, Оталар тажрибаси сенинг мулкинг. Сен эса бу тажрибага оддий тақлид қилувчи эмас, балки уни мардона, ижодий давом эттирувчисан...

В. И. Ленин: «Ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашдан иборат бўлмоғи лозим», деб таъкидлаган эди.

Ҳа, ажойиб космик замонда яшаётган ўсмирларга тарих йўналишининг оғир кунларини, Конституциямиз талаб даражасини, Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида зўр жасорат кўрсатган революция, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари ва ветеранлари ҳаётини қанчалик кўп ўргатиб борсак, уларни кўп қиррали ҳаёт мактабида шунчалик пишиқ тоблаган бўламиз.

И. САРИМСОҚОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кекса педагог.

• Коммунистнинг шахсий намунаси

Коллектив фахри

Иккинчи трамвай депосининг фахри бўлган Ғуломжон Сулаймонов салкам чорак асрдан буён бу улкан даргоҳда меҳнат қилмоқда. Ҳар куни парк дарвозасидан кирар экан, биринчи бор бу ерга қадам қўйгани, нимаинбгина директор кабинетига киргани кўз олдига келади.

У 1957 йили контроль-йиғувчи бўлиб ишга кирган эди. Аҳил коллектив билан тез орада тил топишиб кетди. Ғуломжон ака ўз ишини пухта бажарарди. Парк қошида очилган олти ойлик малака ошириш курсида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимини ошириб борди. Ғуломжон тез орада илғор ишчилар сафидан ўрин олди. Аввал 7-трамвай маршрутида ишлаб, коллектив обрўсини қозонди.

Ғуломжон аканинг ёшлиги анча оғир кечган. У беш яшар вақтида отадан етим қолди. Отаси фронтдан қайтмади. Ёлғиз онаси тарбиялади. Ғуломжон аканинг биринчи устози Абдулла ака Мирзааҳмедов бўлди. Тарбия берган устозини бир умр ёдидан чиқармайди, у!

1959 йилда Совет армияси сафига чақирилди. Хизматдан сўнг жонажон даргоҳга яна қайтиб келди. Коллектив қувончини айтсангиз! У яна қайноқ меҳнатга шўнғиб кетди. Гоҳида турмуш ўртоғи Турсуной (у ҳамшира бўлиб ишлайди) ҳазиллашиб, «Сизнинг танглайингизни трамвайда кўтаришганми?» деб қўярди. Ҳозир эса ўзлари тўрт фарзандга ота-она. Катта ўғил—Акмалжон ота изидан бориб ишчи бўлмоқчи; дурадгорлик касбини танлаган.

Пешқадам коммунист Ғ. Сулаймонов ўз меҳнат фаолияти даврида ўнлаб шогирдлар етиштирди, уларга ўз касбини ўргатди. Уларнинг кўпчилиги ҳозир баракали меҳнат қилишяпти.

Депо коллективи унга катта ишонч билдириб, корхона халқ контроли комитетига аъзо қилиб сайлади. Шунингдек, у маҳаллий комитетнинг аъзоси сифатида ҳам жамоат топшириқларини адо этмоқда.

Ғуломжон ака намунали хизматлари учун парк дирекциясининг фахрий ёрлиқлари, ҳаракат хавфсизлиги ойликларида эса бир неча бор ёрлиқлар билан мукофотланган. Бу моҳир ишчи фидокорона меҳнатлари эвазига III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирланган.

Шу кунларда корхона ветерани жонажон партиямизнинг XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил ишлаяпти, ҳам меҳнатда, ҳам жамоат ишида барчага ўрнак бўляпти.

Н. ҚЎЧҚОРОВ.

Шаҳримизнинг зарбдор қурилишларидан бўлган янги телеминора объекти қурилиши тезкорлик билан олиб бориляпти.

СУРАТДА: шу ноёб қурилмани бунёд этишда фаол қатнашаётган илғор монтажчилар бригадаси бошлиғи «Спецстальконструкция» 26-қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчиси Н. Шевелев акс этган. У бош бўлган бригада смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб кўпларга ўрнак бўлмоқда.

Қ. Исоқов фотоси.

ТО Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. МАДУМАРОВ: Институтни тамомлаганимдан сўнг йўлланма билан Бухорога ишга жўнатишди. Касбимдан хурсандман. Яқинда фахрий граждалик бурчимни ўташ учун Совет Армияси сафига чақириламан. Айтингчи, хизматга ўзим туғилиб-ўсган шаҳардан жўнаб кетсам бўладими?

Жавоб: Амалдаги тартибга кўра йигитлар ўзлари туғилган шаҳар ёки қишлоқдан эмас, балки шу пайтда ҳисобда турган шаҳар ёки район ҳарбий комиссариати томонидан Совет Армияси сафига хизматга жўнатиладилар.

* * *

Ҳ. ҚОДИРОВА: Валентина Терешкова сингари учувчилик сирларини мукаммал ўрганиб, космосга парвоз қилиш ниятим бор. Айтингчи, космонавт бўлиш учун нима қилиш ва қаерда ўқиш керак?

Жавоб: Тошкентда профессионал учувчи ёки космонавтлар тайёрлайдиган махсус билим юрти, ташкилот мавжуд эмас. Ўзбекистон ДОСААФининг Тошкент аэроклубида эса спортчи-учувчи ва спортчи-парашютчилар тайёрланади. У Халқлар дўстлиги проспектидаги 81-уйда жойлашган. Бу ерга метро орқали бориш жуда қулай. «Чилонзор» станциясидан юқорига чиқсангиз аэроклуб биносига дуч келасиз.

Аэроклуб раҳбарларига учрашиб, мақсадингизни тушунтирсангиз, нима қилишингиз лозимлиги ҳақида аниқ маслаҳат беришади.

* * *

Н. ИСЛОМОВ, Б. ОРЗИЕВ: Биз авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаймиз. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда спортнинг кураш тури бўйича малака ҳосил қилиш ниятидамиз. Агар шаҳримиздаги миллий кураш секцияси қаерда фаолият кўрсатаётганлиги ҳақида маълумот берсангиз жуда хурсанд бўлардик.

Жавоб: «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг Комсомол кўлидаги спорт комбинатида кураш секцияси мавжуд. Секцияда машғулотларни спорт мастери Б. Тожиев олиб боради. Сизлар шу кишига учрашиб, секцияга ёзилишинглар ва кураш сирларини ўрганишинглар мумкин.

* * *

М. МАМАЖОНОВ: Мен ҳарбий хирург бўлишни орзу қиламан. Бу касбни қаерда ўрганиш мумкин?

Жавоб: Мамлакатимиздаги жуда кўп шаҳарларда ҳарбий врачлар тайёрлайдиган билим юртлари ва академиялар бор. Уларга ўқувчилар ҳарбий комиссариатларнинг йўлланмаси билан қабул қилинади. Бинобарин, Сиз ҳам орзуингизни амалга ошириш учун ўзингиз ҳисобда турган район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилишингиз лозим. Комиссариат ходимлари қандай ҳужжатлар тайёрлаш, қаерга бориш кераклигини батафсил тушунтиришади.

* * *

С. НОРХЎЖАЕВ: Яқинда паспортим билан ҳарбий комиссариат томонидан берилган гувоҳномамни йўқотиб қўйдим. Уларни қайта олиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Паспортни йўқотиб қўйганлигингиз ҳақида ариза ёзиб, ўзингиз яшаётган район ички ишлар бўлимига боришингиз лозим. Бўлим ходимлари паспортингизни топиш чораларини кўришади. Белгиланган муддатда у топилмаса, бўлим ходимлари Сизга янги паспорт ёзиб берадилар. Ҳарбий гувоҳномангизни тиклаш учун эса ўзингиз ҳисобда турган район ҳарбий комиссариатига учрашинг.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН
Тошкент оқшоми ХАТЛАР

«Ўнлар ташаббуси»-амалда

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

«Қадрли Зинаида Яковлевна Лебедева, Сизни ўнинчи беш йиллик учун қабул қилган социалистик мажбуриятларингизни бажарганлигингиз билан табриклаймиз. Бугун Сиз ўн йиллик программани бажардингиз. Мана буни суръат деса бўлади! Сизга тенглашишга ҳаракат қиламиз!

Ҳамкасб дугоналарингиз».

Бу «Молния» «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-цехида 22 апрелда В. И. Лениннинг туғилган кунининг 110 йиллигида пайдо бўлганди.

Ўнинчи беш йиллик бошида Зинаида Яковлевна шаҳардаги саноат корхоналарининг олти илғор ишчиси қатори бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш бўйича ташаббус бошлаганди. У бу социалистик мажбуриятини бажаришига ишонарди, чунки тўққизинчи беш йилликда ҳам шундай маррани эгаллаганди. Меҳнатда юксак натижаларни қўлга киритгани учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медалига сазовор бўлганди.

Шундай бўлса ҳам янги меҳнат ғалабаси осонликча қўлга киритилмади. Кўп куч ва ғайрат сарфлашни тақозо этди. У ўхшаш касбларни эгаллаб, ишчи кунини шундай ташкил этдики, натижада ҳар бир дақиқадан омилкорлик билан фойдаланди.

Зинаида Яковлевнанинг ишини сиртдан кузатганда, ҳамма нарса оддий ва енгил бажарилаётганга ўхшайди. У машинани худди пулемётдек ишлатади. Чоклар бир текисда тикилади. Смена мобайнида топшириқларини икки баравар ошириб бажаради. У саратовликларнинг нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқариш методига амал қилади. Бошқалар ҳам худди шундай ишлашга уриниб кўрсинчи. Цехда шундай воқеани ҳикоя қилишади. Бир куни унинг ҳузурига бир тўқимачи келиб шундай дебди: «Мана буни иш деса бўлади! Югур-югури йўқ, бир жойда ўтирасиз-у, тикув машинасини гуриллатиб ишлайверасиз». У шу цехда ишлаш истагини билдирди. Унинг илтимоси қондирилди. Аёл «енгил» ишда аранг бир кун ишлади. Кўниколмаганидан жуда толиқди. Кейин бўшаб кетди. Зинаида Яковлевна ва бошқа тикувчилар ҳам толиқишади, лекин улар ўз касбларини севишади.

...Зинаида Яковлевнани «Қизил тонг»да ҳамма билади. У бир корхонада 36 йилдан бери меҳнат қилади. Сўнгги йилларда коллективга кўпгина ёшлар — ҳунар-техника билим юртларини битирган қизлар келишди. У бу ёшларга мураббий бўлди. 3-тикув цехига келган қарийб ҳамма ёшлар ундан касб маҳоратини ўрганишади.

З. Лебедева меҳнат қилаётган цехда аёллар пальтоси тикилади. Чиройли, келишимли бу буюмларнинг харидорлар ўртасида бозори чаққон. Тикувчилар фахр билан шундай дейишади: ҳар куни минглаб буюм тикамиз, магазинлардан эса корхонамиз маркаси қўйилган биронта ҳам пальтони тополмайсиз. Магазинга келди, деганидан тала-тала бўлиб кетади. Ҳар уч моделдан биттаси давлат Сифат белгиси билан тайёрланади.

Зинаида Яковлевна катта жамоат ишларини ҳам бажаради. Цех касаба союз комитетининг раиси, бирлашма касаба союз комитетида эса оила ва мактабга кўмаклашувчи комиссияга бошчилик қилади. У район Советининг депутати сифатида сайловчилар билан тез-тез учрашиб туради.

— Меҳнатнинг одамларга зарур эканлигини кўрганимгда, — дейди Зинаида Яковлевна,— ҳатто чарчаганимни ҳам билмайсан киши. Мен ўз ҳаётимнинг маъмунимни меҳнатда, доимий ҳаракатда кўраман.

Н. КОЛОСОВА,
ТошДУ журналистика факультети студенти.

* * *

СУРАТДА: Зинаида Яковлевна Лебедева.

ҲУРМАТГА САЗОВОР

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Кўкчада Ҳури опани кўпчилик танийди. Уни катта-ю-кичик ҳурмат қилади. Ҳури опа Абдуллаева бунга ўзининг меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги туфайли сазовор бўлган.

Ҳури опа «Союзпечать»нинг 292-киоскасига ишга келганига йигирма йил бўлди. Шу муддат ичида у бирор марта ҳам харидорларни ранжитган эмас. Ҳар куни ишга барвақт келиб, ҳаммаёқни саришта қилиб ишни бошлаши, жонкуярлиги билан эътибор қозоняпти. Ҳ. Абдуллаева ойлик ва йиллик планларини ҳам мунтазам ошириб бажаряпти. У ўзининг меҳнатдаги ютуқлари учун бир неча бор тақдирланди.

... Мана, бугун ҳам Ҳури опа газета ва журналларни пештахтага тартиб билан жойлаштиргач, илиқ табассум билан харидорларга хизмат кўрсата бошлади.

Л. ҲАМИДОВ,
пенсионер.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

ОБУНА ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Айни кунларда газета ва журналларга обуна бўлиш қизғин давом этмоқда. Ўрта Осиё медицина педиатрия институтидаги обуна ишлари ҳақида институт комсомол комитети секретарининг ўринбосари Т. Свинарева бизга бундай деди:

— Институтимизда обуна бўйича штаб ташкил этилган. Штаб аъзолари ҳар бир курсга бириктирилган бўлиб, улар ишни тез ташкил этишга катта ёрдам беришмоқда. Айниқса студентлардан ва актив комсомоллардан Ҳ. Исҳоқова, С. Семенихин, Х. Ҳайдаров ва бошқалар бу ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Олий ўқув юртларида шу кунгача 800 дан ортиқ 1-курс студентлари газета ва журналларга обуна бўлишди. Юқори курсларда ҳам обунага якун ясалмоқда. Келаси йили институтда таълим олаётган 4700 га яқин студент ва комсомол-ёшлар «Комсомольская правда», «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана», «Комсомольская жизнь», «Медицинская газета» каби газета ва журналларни олиб ўқийдилар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЯНГИ ХИЁБОНЛАР БАРПО ҚИЛИНАДИ

Шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги бошланди. Бу ойликда Собир Раҳимов районидаги турли корхона ва муассасалар ҳам актив қатнашадилар. Бунда «Агрегат», «Миконд», «Компрессор» заводлари, кинотехникум, «Геологоразведка» техникумлари, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети коллективлари ўзларига бириктирилган участкаларни янада обод ва кўркам қилиш учун ҳисса қўшадилар. Район ободонлаштириш бошқармасидан 350 дан ортиқ ишчи қатнашади. 21 минг дарахт ва 40 минг туп яшил тўсиқ ўтказилади.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида райондаги 20 дан ортиқ мактаб ва 19 та болалар боғчаларининг мураббийлари, ўқитувчилари ва ўқувчилари актив иштирок этишади. Улар ёрдамида 2,5 минг туп дарахт, 3,5 минг яшил тўсиқ ўтказилиб, 10 мингга яқин дарахт оқланади.

Собир Раҳимов райони уй-жой бошқармаси коллективи эса 2,5 минг туп дарахт, 4,5 минг яшил тўсиқ ўтказади ва райондаги 25 турар жой биносининг ташқи кўринишини ремонтдан чиқаради. Ойлик мобайнида райондаги 8 гектар ерда янги хиёбонлар барпо қилинади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

МАРШРУТ УЗАЙТИРИЛСА

Аэропортдан ишчилар шаҳарчасига қатнаётган 39-маршрутли автобусни йўловчиларга хизмат кўрсатаётганлиги жуда яхши бўлди. Лекин бу маршрутдаги йўловчилар ишчилар шаҳарчасига келишди дегунча автобусдан дув этиб тушишади-да, 107 ва 108-маршрутдаги автобусларга ўзларини уришади. Черняев томонга қатнайдиган бу автобус ҳамиша йўловчилар билан тўла бўлади. Унга чиқиш амри маҳол.

Бизни бирдан-бир илтимосимиз шуки, ана шу бизга хизмат кўрсатаётган 39-маршрутдаги автобус йўналиши уч-тўрт бекатга узайтирилиб, Энгельс кўчасигача борадиган қилинса, минглаб йўловчиларнинг ҳожати чиққан бўларди. Бу билан Кисловодск кўчаси, 1, 2-Кисловодск маҳаллалари, Мукаррама Турғунбоева кўчаси, марҳум «Пахтакор» командасининг футболчилари Ан, Баканов, Фёдоров, Корчанов, Тазиддинов ва бошқалар номига қўйилган кўчалар, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг касалхонасига қатновчиларни транспорт билан таъминлаб Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, олимлар, ишчилар ва бошқа ана шу маҳаллада истиқомат қилувчиларни узоғи яқин бўларди. Шаҳардаги барча транспорт турларини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бу ҳақда ўйлаб кўриши керак.

Л. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ рассоми.

Н. НАСАЧОВА,
Шаҳар Совети депутати.

М. ГИНИЯТОВА,
Халқ депутатлари Киров район Советининг депутати.

ЖАМИ 68 ИМЗО.

САРТАРОШХОНА КЕРАК

Куйбишев районидаги экскаватор, лакбўёқ заводи ёнида биронта сартарошхона йўқ. Ана шундай ҳолни 2-Қорақамиш массивининг биринчи микрорайонида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳақда биз шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва бевосита ана шу сартарошхоналар иши билан шуғулланадиган саноатдан ташқари хизмат кўрсатиш комбинати раҳбарларига бир неча маротаба мурожаат этдик. Лекин улар ваъдадан нарига ўтишмаётир.

Наҳотки, шундай йирик корхоналар жойлашган завод ёнида, минглаб аҳоли яшайдиган массивда сартарошхона очиш шунчалик қийин бўлса?

Т. ОДИЛОВ,
кекса ўқитувчи.

ҲАМ КУЛАСИЗ, ҲАМ КУЯСИЗ

ЎЛДА-ЖЎЛДА

Тонг саҳарда моторнинг гувиллаган товуши одамларни уйғотиб юборди. Биров деразадан қараган, биров йўлакка чиққан...

—Нима бўлди?

—Экскаватор ишлаяпти. Ер қазияпти.

Одамлар шитоб билан ишлаётган экскаваторчининг олдига келишди.

—Ҳорманг!

—Саломат бўлсинлар! — экскаваторчи билакдек сим арконнинг бир учини ҳовли ўртасидаги каттакон арғувон дарахтига боғлади. Одамлар ҳайҳайлаб ёпишдилар.

— Нима қиляпсиз?

—Ағдарамиз!

—Ахир шунча йилдан буён амаллаб ўстирган дарахтни йиқитишнинг нима кераги бор?

— Жанг қурбонсиз бўлмайди. Уйингиз иссиқ бўлишини хоҳлайсизми ахир?

Экскаваторчи шундай деди-ю, моторни гуриллатиб бир тортган эди, бояги ётган дарахт илдизи билан қўпорилиб чиқди.

—Мана энди бизга иш майдони очилди!

Ўша кундан бошлаб иш майдонида «меҳнат жанги» авж олиб кетди. Иссиқлик трассасини алмаштириш учун зовурлар қазилди, эски қувурлар олиб ташланди. Аммо иш шу ерга келганида тақа-тақ тўхтаб қолди. Собир Раҳимов район 2/4 Қорақамиш массивининг 4-микрорайонида 28, 29, 30, 33-уйда истиқомат қилувчилар ғалати аҳволга тушиб қолдилар. Ҳаммаёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетган. Болалар мактабга ориб келганидан кейин бир соат шимининг почасини, туфлисини тозалайди. Йўлкалар ҳам қўпориб ташланган. Бетон ётқизилган ариқлар бузилган, ув келишидан дарак йўқ. Хуллас, иш чўзилгандан чўзилиб кетди. Кавланган зовурларга «чаққон» уй бекалари ахлат тўка бошладилар. Ниҳоят, ремонтчилар инсофга келишди шекилли, эски қувурлар ўрнига янгилари ётқизилди. Энди қишда совуқда қолиш ташвиши йўқолгандек бўлди. Бироқ аҳолини бошқа нарса ташвишга сола бошлади. Эрта-индин ёғингарчилик бошланади, бундай ағдар-тўнтар бўлиб ётган ҳовлидан болалар у ёқда турсин, катталар ҳам юролмайдику! Қишда аҳвол нима бўлади?

«Биз бу масалада Собир Раҳимов район ижроия комитети ободонлаштириш бўлимидаги ўртоқларга кўп марта мурожаат қилдик,—деб ёзибди шу массивнинг 30-уйда истиқомат қилувчи Н. Рихсиев.—Бироқ ҳанузгача чанг ютиб юрибмиз. Туппа-тузук ўсиб ётган дарахтларни ағдариб ташлаган устабузармонлар дастидан қишда лой ютмасак эди, деб хавотирдамиз». Шикоятчининг ташвиши ўринли. Район ободонлаштириш бошқармасидаги ўртоқлар отни қамчиламасалар бўлмайди.

ЎРИНСИЗ БАҲОНАЛАР

Ақида уйига қайтса, ота-онаси ҳали ҳам ухламай ўтиришган экан. Қизини кўрди-ю, дадасининг жаҳли чиқиб кетди.

—Шу пайтгача қаёқда сандирақлаб юрибсан?

—Ишдан келяпман, —деди Ақида.

—Ишинг соат ўнда тамом бўлган, қиз бола нарса ярим кечагача қаёқда юрибсан?

—Ишдан келяпман деяпман-ку, — Ақида йиғламоқдан бери бўлиб тушунтирди.—Автобус шунақа юради.

—Бунақа ишни йиғиштир!—дадаси жаҳл билан ўрнидан турди.—Эртага ўзим текшириб кўраман.

Эртасига Ақида Марказий телеграфдан чиқса, дадаси кутиб турган экан. Бошқа қизлар билан қўшилишиб, бекатга боришди. Бироқ уларга керак бўлган 116-автобусдан дарак йўқ эди. Улар роса 45 минут кутишди. Ниҳоят, автобус келиб тўхтади. Уйига шошилаётган қизлар дув этиб эшикка ёпирилишди.

—Обед!—деди ҳайдовчи деразадан бошини чиқариб.

Ақиданинг дадаси жаҳл билан унинг олдига борди.

— Ярим кечада обедга бало борми?

— Ия, ака, бизда нафс йўқми? Биз ҳам овқат еймиз-да бундоқ.— Ҳайдовчи яна қизларга юзланди. — Ярим соатгина кутсанглар бошқа автобус келади, опоқ қизларим!

Автобус қизил чироғини липиллатганча ғойиб бўлди. Навбатдаги автобусдан ҳамон дарак йўқ. Ота-бола уйларига ярим кечадан оганда етиб келишди.

— Бўлди, — деди дадаси Ақидага,—бошқа ишга ўтасан!

У ҳали бошқа ишга ўтганича йўқ. Бироқ аҳвол шундай кетаверадиган бўлса, Марказий телеграфнинг кечки сменасида ишлайдиган телеграфисткаларнинг ҳаммаси бўшаб кетадиганга ўхшайди. «Орамизда 3-автопарк ходимларининг қизими, синглисими ишлаганида жуда яхши бўларди, — деб ёзишибди телеграфистка А. Орипова, Л. Одилова, М. Юнусова, Д. Йўлдошева, М. Йўлдошева, М. Қаюмова ва бошқалар,— ўшанда улар бизнинг аҳволимизни тушуниб, 43, 116, 59-автобуслардаги ярим кечада «обед» қиладиган ҳайдовчиларнинг нафсини тийиб қўйишган бўлар эди».

ҲУШЕРБЕК.



«Чағалайлар тўлқинларда чайқалар,
Балиқ излаб гўё сувда рақс этар».

Ҳ. Мирзакаримов фотоэтюди.

◆ РАССОМ ШАРҲИ

БОЛАЛАР КЎТАРА ОЛИШМАДИ

Мактаб ўқувчиларини тежамкорликка ўргатиш мақсадида ҳар йили темир-терсак йиғиш ойлиги ўтказилади. Катталар эса фарзандларимиз қийналишмасин деб турли жойларга эски челак ва хокондозларни, эски мотор ва ҳатто ипянги қурилиш арматураларни ташлаб қўйишади. Самарқанд Дарвоза кўчасидаги Чуқур кўприк деган жойга эса юқори вольтли электр линиясининг бутун бошли устунини ташлаб кетишди. Салкам 4 тонналик устунни болалар кўтара олишмади. Катталар болаларга жаҳл қилиб, устунни кўмиб ташлашди.

А. ҚОСИМХЎЖАЕВ.



...МАҚТАЙДИ...

ОРОМГОҲ ҚЎЙНИДА

Паркент қишлоғи ёнида шаҳримиз атрофидаги энг хушманзара оромгоҳлардан бири бўлмиш «Кумушкон» дам олиш зонаси жойлашган. Бу ерда бир йўла 480 кишининг ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар муҳайё. Ўзининг хушманзараси билан ҳар бир дам олувчини мафтун этадиган бу масканда кино, спорт майдончаси, кутубхона ва бир йўла 400 киши овқатланиши мумкин бўлган ошхона ишлаб турибди.

Дам олувчиларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришларида З. Одилов, Р. Қуддусова, Қ. Эрназаров, А. Иброҳимов, С. Сулаймонова каби бир неча йилдан бери ана шу ерда ишлаб келаётган ишчи ва хизматчилар барчанинг эътиборини қозонишмоқда.

«Кумушкон» дам олиш зонасида яқин келажакда 1100 кишига мўлжалланган санаторий, қишки ва ёзги кинотеатрлар ишга туширилади. Бу азиз ҳамшаҳарларимизнинг янада кўнгилли дам олишлари учун шарт-шароит яратади.

М. ЭРМАТОВ.

Советлар ҳаёти

БЕБАҲО БОЙЛИК

Халқ депутатлари Ҳамза район Советининг аҳоли яшаш жойларда олиб борган маданий-оқартув ишлари тажрибасидан

Бўш вақт проблемаси, меҳнаткашларнинг дам олишлари тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш бугунги кунда муҳим давлат аҳамиятидаги иш даражасига қўйилмоқда. Бу масала СССРнинг янги Конституциясида, КПСС Марказий Комитетининг идеология ва маданият масалалари бўйича қабул қилган қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарларида ўз ифодасини топмоқда.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда аҳоли ўртасида маданий-оммавий ишлар олиб бориш катта аҳамият касб этмоқда.

КЎЧА, УЙ, КВАРТИРА

Одамлар аввало ўз ҳаётий масалалари билан қизиқишлари ҳаммага аён. Аксарий кўпчилик кишилар ишда: станокда, чизмачилик, муассаса столи устида олиб бориладиган ишлар билан банд... Уйда-чи, уйда у дам олади. Ишдан сўнг бирон-бир нарса билан ўйманадиган кишилар ҳам бор, албатта: уларнинг баъзилари ёғочга куйдириб гул ишласалар, бошқаси —фото ишқибози, учинчиси эса бадиий ҳаваскорлик тўгарагида репетиция қилиш учун маданият уйига ошиқади. Шундай кишилар кўпчиликни ташкил этадими? Рўй-рост айтамизки, унчалик эмас.

Бўш вақт проблемаси, кишилар билан мулоқатда бўлиш проблемаси ҳам ана шундан келиб чиқади. Бу проблемалар эндигина вужудга келгани йўқ. Лекин бугунги кунда долзарб масала бўлиб турибди. Бу шунинг учун ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқдаки, социал-иқтисодий сабабларга кўра кўп йиллар мобайнида дам олишни ташкил этишдан кўра меҳнатни ташкил этишга алоҳида эътибор бериб келинди. Шунинг учун ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқдаки, бугунги кунда ишлаб чиқариш техник жиҳатдан юксак даражада жиҳозланди ва бу мураккаб машиналарни юқори малакали, катта билим эгаси бўлган ва яхши кайфиятдаги кишилар бошқаришлари керак. Биз санаб ўтган сифатларнинг манбаи ҳам ишдан сўнгги билим олиш, ўқиш, мушоҳада қилиш ҳамда шунчаки соғлом дам олиш, кишилар кенг оммаси билан алоқада бўлишдадир.

Айтгандай, кишилар билан мулоқатда бўлиш уларни умумлаштирибгина қолмай, балки бизнинг билим доирамизни бойитади, тезроқ ҳаётий тажриба эгаллашимизга ёрдам беради. Ҳа, тушлик пайтида ёки байрам дастурхонлари атрофидаги амалий суҳбатдан кишилар фойдали хабарларни билиб оладилар. Касбдошинг, ажойиб кишилар билан суҳбатдачи? Бундай пайтларда бирон бир китобда ёзилмаган янгиликларни билиб олиш мумкин. Лекин ким билан, қандай вазиятда мулоқатда бўлиш керак? Бир шиша ароқни баҳам кўрибми, зарарли ўйинлар ўйнабми, ёки қизиқарли учрашувлар клуби, агитация майдонидами...

Бу сўзларни айтишимизнинг боиси шундаки, ўтган йили Ҳамза район Советининг сессиясида район аҳолисининг бўш вақтларини қандай ўтказаётганликлари тўғрисида сўз борганда, кўпчиликка алам қиладиган гаплар бўлди. Маданият ва истироҳат боғлари, муассасалари етарли, лекин кишилар кўп йиллар бир йўланда яшайдилар-у, бир-бирларини юзаки билишади.

Ҳаммани биргаликда қандай таништириш мумкин? Коллективимиз анъанаси руҳида яшаганлар учун муносабатни узиш ачинарлидир. Бундан хабардор депутатлар кишиларга ёрдам беришлари керак. Ҳаммани бир йўла таништириш қийин ва бунинг лузуми ҳам йўқ. Агар аҳоли яшаш жойларда тез-тез шанбаликлар, кўча, маҳалла, микрорайон байрамлари, ажойиб суҳбатлар ўтказилиб туриладиган бўлса, кишиларнинг ўзлари бир-бирларининг қалбларига йўл топа биладилар.

Аҳоли яшаш жойлардаги депутатлар фаолиятида ана шу масала асосий ўрин эгаллади. ЖЭКлар, 40 га яқин маҳаллаларда кишиларни қизиқтирувчи «Мен СССР гражданиман», «Оламда нима гап?», «Фан ва дин», «Адабиёт ва санъат», «Партия планлари — халқ планлари» мавзуларида лекторийлар уюштирилди. «Янги-обод», Октябрь 50 йиллиги номли маҳаллаларда савол ва жавоб кечаси, атеистик мавзуда мунозаралар олиб борилди.

Маҳаллалар аҳолиси ҳузурига район раҳбарлари, милиция, оталиқдаги корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ташриф буюрадилар. Улар қурилиш, ободонлаштириш бўйича белгиланган тадбирлар ҳақида ҳикоя қиладилар, турли саволларга жавоб берадилар. Ана шундай фойдали учрашувлар кишиларни бекорчиликдан фол боқиш, турли узун қулоқ гапларни эшитишдан холи қилади.

Аҳоли яшаш жойларида иш олиб бориш унга ижодий ёндошишни тақозо этади. Клубларда бўладиган учрашувларга кишиларнинг келишларини олиб кўрайлик. Бу ҳақда ҳаммани хабардор қилиб бўлмайди-ку. Шунда депутатлар район харитасини ўрганиб, уйлар сонини аниқлашди. Ўқувчилар учрашувлар ҳақида аҳолини олдиндан хабардор қиладиган бўлишди. Учрашув программаси, мавзуси ўйлаб пухта тузилди. Ҳозирда районда сангиб юрувчилар камайди. Доимий алоқада бўлиш кишиларнинг бир-бирларини яқиндан билиб олиш имконини берди.

КЛУБДА КЕЧА ЎТЯПТИ

Энди маданий-оммавий муассасаларнинг амалга ошираётган ишлари ҳақида. Районда 22 та кутубхона бўлиб, 20 мингдан кўпроқ ҳамзаликлар улар хизматидан фойдаланишмоқда. Учта Маданият уйи, еттита касаба союз ва олтита жамоатчилик клуби ўзига юздан ортиқ бадиий ҳаваскорлик коллективларини бирлаштирган. Ҳар йили улар кучи билан бир ярим мингга яқин концерт ва спектакллар қўйиб берилади. «Бахт», «Роҳат» дам олиш зонаси, Шумилов номли истироҳат боғига бир ярим миллионга яқин киши ташриф буюради. Райондаги тўртта қишки ва еттита ёзги кинотеатр шу даврда 600 мингдан кўпроқ кишига томоша кўрсатади.

Бу статистика. Бу рақамлар кишиларнинг келишини ифода этсада, уларнинг алоқалари, нима билан машғул эканликлари ҳақида кам маълумот беради. «Келинг, танишайлик», «Снёсий ахборотчи», «Дугонажон» клублари, Маданият уйларидаги ташкил этилган болаларнинг «Ўсмир», «Ялтироқ қурт» дискотека ҳаммага манзур бўлмоқда.

Райондаги 3-Маданият уйида ўтказилаётган «25 ёшлилар» кечасига билет олиш амри маҳол бўлмоқда. Бу кеча икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида меҳмонлар концерт томоша қиладилар, ажойиб кишилар билан учрашадилар. Иккинчи бўлимда кишилар стол атрофида бамайлихотир суҳбат қурадилар. Турли хил конкурслар, ўйинлар, машғулотлар бўлади. Меҳмонлар дафтарида «Шундай кечалар тез-тез ўтказилишини истаймиз» деган ёзувлар кўпаймоқда.

Шу маданият уйида ойда икки бор дискотека ўтказилмоқда. У тажриба-ремонт-механика заводи, 1-уйсозлик комбинати, 2-темир-бетон буюмлари заводи, ёғ-мой комбинати, упа-элик фабрикасидаги ўнлаб ёш меҳнаткашларни жипслаштирди. Айтгандай, Ҳамза райони — шаҳарда энг йирик саноат районидир. Шунинг учун ҳам кишиларнинг бўш вақтларини фойдали ўтказиш йўлида қилинаётган ишларни корхоналарнинг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотлари қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Райондаги кутубхоналарда ўтказилаётган «Огонёк»лар, оғзаки журналлар, бадиий-музикали композициялар ўзига хос клуб бўлиб қолди. «Рўзгор маданияти учун» халқ университети аллақачондан буён ишлаб турибди. Унинг «Одамлар муносабати дунёси» факультети санъат, этика ва эстетика ишқибозларини ўзига жалб этган.

Иккинчи Маданият уйида ташкил этилган хотин-қизларнинг «Дугонажон» клуби оммабоп бўлиб қолмоқда. Унинг факультетларига ишдан сўнг ярим мингга яқин қиз-жувонлар тўпланишади. Бу ерда бадиий ҳаваскорлик, тикув, тўқув, эпчил қўллар каби тўгараклар ишлаб турибди. Районда оммавий байрам ўтказишга кенг йўл берилган. Масалан, анъанавий Ғалаба куни уруш ветеранлари хотирасида ҳамон сақланмоқда. Районда уч мингга яқин уруш ветеранлари бор. «Ғалабанинг 35 йиллигига бағишлаб Москванинг Қизил майдонида ўтказилган парадга бағишланади» деган кеча «Роҳат» паркида бўлиб ўтди. Кеча сценарийсида фронтдаги ҳаёт саҳифаларидан фойдаланилди, ветеранлар дастурхони устида кашта тикилган қўлбола тамаки халталар, қадаҳларга «наркомат» майдан юз граммдан қуйилган, артиллерия гильзаларида ўстирилган гуллар қўйилган. Таассуротлар, хотиралар асосида тайёрланган маҳаллий материаллар эса, жонажон районда истиқомат қилиб турган оддий кишиларнинг ажойиб тақдирлари ҳақида ҳикоя қилади. Бир вақтлардаги кишилар кўзидан оққан шашқатор ёшлар ўрнини бугунги кунда киши кўнглини хушнуд этадиган сўзлар, дилрабо куй ва қўшиқлар, ажойиб ҳикоялар эгаллади.

Бир йилдан муқаддам маданият ходимлари ташаббуси билан, маҳаллий Советлар депутатларининг қўллаб-қувватлашлари ва бевосита иштирокларида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, социалистик мусобақа ғолибларининг «портрет-кеча»лари, оммавий байрамлар ўтказиш одат тусига кирди. Корхоналар ва маданият уйлари ўртасида касб байрамига, мураббийга, Совет Армияси сафига ёш ишчиларни узатишга бағишланган оммавий тантаналар ўтказиш тўғрисида шартномалар тузилган.

Ҳамзаликлар бўш вақтларини фойдали ва қизиқарли ўтказишларини ташкил этиш тўғрисида гапирар эканмиз, шуни ҳам таъкидлаш керакки, маданий ходим кадрлари танлашга алоҳида эътибор берилган. Дам олишни ташкил этиш қобилиятига эга бўлган кишиларни топиш қийин. Аксарий ҳолларда ойна ва бетондан қурилган ҳашаматли саройга ажойиб ҳаёт бахш этишдан кўра, уни қуриш осон бўлиб туюлади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, янги қурилган ажойиб клубда сукунат ва зерикиш ҳукм суради. Маҳаллий Совет, унинг бўлимлари маданият уйларига, клубларга, кўпгина тўгаракларга ташаббускор, маданиятли, ижодий маҳоратига эга бўлган ажойиб раҳбарларни танлай билдилар. Уларни моддий жиҳатдан рағбатлантирдилар.

Айтганларимизни қуйидаги фикр билан умумлаштирамиз. Аҳоли яшаш жойларида маданий-оммавий ишлар олиб боришнинг форма ва методлари жуда хилма-хил. Жуда бўлмаганда шулардан баъзиларини амалга ошириш ва ривожлантиришнинг ўзи машаққатли ишдир. Маданиятнинг моддий базаси билан янада мустаҳкамлаш, корхоналар, ўқув юртлари, клуб муассасалари ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш учун кўпгина ишлар қилишга тўғри келади, замонавий жиҳозлар, малакали кадрлар керак. Бу борада тажриба бор, уни фақат системага солиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш керак. Бу эса, бугунги кунда аҳоли яшаш жойларда тарбиявий ишлар олиб боришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Е. ПЕТУХОВ.



Тошкент темир йўл транспорти техникуми яна икки йилдан сўнг ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлайди. Техникумни битириб чиққан минглаб кадрлар ҳозир Ўрта Осиё ва Қозоғистон темир йўлларида меҳнат қилишяпти. Сўнгги йилларда эса техникумни битирган ёшлар Сибирга ҳам юборилмоқда. Тепловоз хўжалигига хизмат кўрсатувчи техниклар, автоматика ва телемеханика, темир йўл транспорти радио алоқаси радио эшиттиришларининг техниклари, электр тортиш хўжаликларининг мутахассислари шулар жумласидандир. Битирувчиларнинг бир қисми Тошкент метрополитенидан фойдаланиш хизмати меҳнатчилари сафига келиб қўшилдилар.

СУРАТЛАРДА: чапда— аълочи ўқувчи, комсомол аъзоси Оксана Кузаева. У бадиий гимнастика бўйича СССР спорт мастери; ўнгда—лаборант Ирина Яковлевна Рубель «Маршрут-релели марказлаштириш» мавзуи бўйича консультация бермоқда.

Р. Шамсутдинов фотолари, (ЎзТАГ).

ЎЙЛАМАЙ БОССАНГ ТИКАННИ...

(ЭТЮД)

Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ оҳу кўзларингга шайдо бўлгандим. Уларнинг шод ва мағрур боқишига, сеҳри билан дил ёқишига борлиқ вужудим-ла мафтун эдим.

— Дониёр, дединг бир куни, — деворий газетамизга бирорта сурат чизиб берсангиз.

Кўзларингга тикилдим. Илтижоли боқарди улар. Вақтим зиқ бўлишига қарамай, бош ирғаб розилик бердим. Шунда сен чунонам қувонгандингки... Газета хотин-қизлар байрамига чиқиши керак эди. Уйга қайтиб, ишга киришдим: устунларга бўлиб, нақш солдим. Ўнг бурчагига эса сенинг суратингни чизгандим. Эсингдами, бу нима қилганингиз, дединг ўшанда. Бироқ сенга жавоб қайтара олмай, кўзларингга жимгина боққандим, холос... Шу боқишдаёқ юрагим «жиз» этган эди.

Шу оқшом нурли кўзларинг хаёлимдан нари кетмади. Қандай қилиб тонг отганини ҳам сезмай қолибман. Юрагим сен томон талпинарди...

Бирон кун, ҳатто бирор соат кўрмасам сени ахтарадиган бўлиб қолгандим. Ҳаётнинг завқ-шавқи сен туфайли туюларди гўё. Ҳа, ўзимни қаерга қўйишни билмасдим, ғоят бахтиёр эдим.

Мактабни тугатгач, ҳарбий хизматга жўнайдиган бўлдим. Сен эса фабрикага ишга кирдинг. Хайрлашув оқшомида бирга сайр қилдик. Бахтли ҳаёт, порлоқ келажак, самимий дўстлик ҳақида баҳслашдик. Ниҳоят қалбимнинг энг тўридаги саволни беришга журъат этдим:

— Азиза кутасизми?

Сен негадир сесканиб кетдинг. Тим қора киприкларингни пир-пир қоқиб «Ҳа» дединг-у, нозик қўлларинг билан юз-кўзларингни яшириб олдинг. Қувониб кетдим. Ахир ҳаёни чинакам гўзаллик аломати дейишади-ку!..

Афсус, орзуларим узоққа чўзилмади. Бевақт узилиб сўлиган гулдек қисқа яшади. Хизматни тугатиб қайтдим. Қайси қулоғим билан эшитайки, Кимсан исмли қариндошингга турмушга чиқибсан. Кимсанга! Ўша юлғич Кимсанга!

...«Мен «Волга»да сайр қилишни жуда-жуда севаман, Дониёр!» Сенинг доимий сўзларинг қулоғим остида акс-садо берди. Кимсанда оқ «Волга» борлигини билардим.

Вужудим рашк ва ғазаб омухта бўлган аланга ичида бетўхтов ёнар, шундай бўлсада, қалбим шаддот кўзларингни сўнгги бор кўришга ошиқарди. Лекин бевафо кўзларни қумсама, деб қалбимни жиловлашга жазм этдим. Кейин институт. Ўқиш, тажрибалар...

Бир-бири билан қувлашмачоқ ўйнашган йиллар қўлимга инженерлик дипломини тутқазди. Бу орада Кимсан каттагина «иш» билан қўлга тушгани, қиморга пул ва машинасини тикиб, ютқазиб қўйгани, сени уч фарзандинг билан уйдан чиқазиб юборганини эшитиб қолдим. Бу қандай тақдир!..

Қалбимнинг аллақаери ачишар, сенга ачинар эдим.

Сен ишлаётган фабрикага йўлланма беришди. «Мутахассис керак, борасиз» дейишди. Бордим.

Мана, кўзларим ноёб туйғум—илк муҳаббатим оёқ ости қилган, хўрлаган жоду кўзларингга бугун яна тўқнашди. Лекин бу гал уларда бундан етти йил бурунги ўт-олов, иффат ва ҳаёни кўрмадим. Бироқ менга аввалгидай тик боқолмадинг. Беҳуш одамдай биргина қисқа нигоҳ ташладинг-у, кўзларингдан қайноқ ёшлар тўкилди. Бўғзимга нимадир келиб тиқилди. Ҳаммасига тушунгандай эдим. На чора. Сени юпатишга илож истардим. Кўзларинг, ҳижрон ва ситамларинг билан қотиб қолган юрагимни юмшатиб юборди. Азобингга ич-ичимдан тенг шерик бўлдим. Ўзимни зўр-базўр тутиб дедим:

— Қўйинг, йиғламанг!

Ҳа, ишон гўзалим, кўзларингда ғам ёшларин кўрмай ҳеч қачон. Ахир сен ўйламай босган тиканнинг жабрини тортяпсан.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭҲМ бошқаради

БУДАПЕШТ. Эстергомдаги «СИМ» станоксозлик заводида янги автомат линия қуриб битказилмоқда. Бу линиянинг ишини Венгрияда ишлаб чиқарилган Р—10 электр ҳисоблаш машинаси бошқарадиган бўлади. Электрон ҳисоблаш машиналарини қўллаш асбоб-ускуналар унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини 3—4 баравар ошириш имконини беради.

Станоксозлик — кейинги вақтларда компьютерлар ғоят кенг қўлланилаётган халқ хўжалигининг бирдан-бир соҳаси эмас. Ҳисобдон машиналар республиканинг пўлат магистралларидаги ҳаракат графикларини тузишга кўмаклашмоқда. Алюминий саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни энг мақбул тарзда ташкил этиш борасида маслаҳатлар бермоқда, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари улардан муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Бутун мамлакатда область ҳисоб марказлари тармоғи вужудга келди. Ўзининг ҳисоб марказини ташкил этиш норентабель бўлган кичик корхоналар ва ташкилотлар ана шу ҳисоб марказларининг хизматидан фойдаланмоқдалар.

ПЎЛАТ МАГИСТРАЛЛАР ҚУРИЛМОҚДА

ДАМАШҚ. Сурия ҳукумати темир йўл транспортини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Пўлат магистраллар қурилиши муваффақиятли давом этмоқда. Бу магистраллар мамлакатнинг саноат марказларини пойтахт билан, шунингдек Суриянинг асосий портлари — Латакия ва Тартус билан боғлайди.

Темир йўллар бошқармасининг бош директори Фатҳи Ҳасан қуйидагиларни айтди: яқинда Марказий Суриядаги Хомс шаҳри билан Пальмира районидаги йирик фосфат конлари ўртасида 180 километрли темир йўл линиясини ётқизиш тугалланди. Шунингдек Хомс-Акари ва Хомс-Каттина темир йўл участкаларини реконструкция қилиш ниҳоясига етказилди. Бу линия Каттина кўли яқинидаги фосфат заводларига хом ашё етказиб бериш, мамлакат ичкарисидаги районларга ёки денгиз портларига экспорт учун тайёр маҳсулотлар ташиб беришга хизмат қилади. Хомс-Хама-Алеппо темир йўл трассасида пўлат изларни ётқизишга тайёргарлик ишлари поёнига етай деб қолди.

Суриянинг ўсиб бораётган халқ хўжалиги учун зарур бўлган пўлат магистраллар плани равишда 1964 йилдан Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий кўмагида қурила бошланди. Ҳозирги вақтда совет мутахассислари темир йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланишда суриялик ҳамкасбларига ёрдам бермоқдалар.

ҚУРИЛИШ ТУГАЛЛАНМОҚДА

БЕРЛИН. ГДРнинг жанубий қисмидаги Шпремберг чеккалари хушманзара табиат уйғун равишда қўшилиб кетган тўртта жуда катта корпус ташқаридан қараганда завод цехларидан кўра кўпроқ баҳайбат океан лайнерларини эслатади. Бу корпусларда муҳим саноат объекти — газобетон ишлаб чиқарувчи корхона қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Янги корхона республикадаги газобетон ишлаб чиқарувчи учинчи ва энг катта завод бўлади. Унинг лойиҳадаги қуввати йилига 300 минг куб метрдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Оғирлик вазни заводнинг қуввати тўғрисида тўлиқ тасаввур бермаслиги сабабли айни кубометр ўлчов бирлиги қилиб олинган: газобетон оддий бетонга ўхшаб кетсада ташқи кўриниши пемзани эслатади. 300 минг куб метр газобетон бир оилага мўлжалланган 16 мингдан кўпроқ уй-жой коттежига кифоя қилади.

Саноат хом ашёси материаллар ва энергияни тежаб-тергаш соҳасидаги катта вазифаларни эътиборга олганда унинг ишлаб чиқарилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Газобетоннинг бошқа афзалликларидан ташқари у ўзининг иссиқлик изоляция қилиш хоссаларига кўра ғишт ва оддий бетондан анча устун туради, бу эса биноларни иситишга энергия сарфини камайтиришга ёрдам беради.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ

ХАНОЙ. Вьетнам марказий биология бошқармасига чорак аср тўлди. Ер бағри разведкачилари республика халқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар, юзлаб фойдали қазилма конларини очдилар. Улар Вьетнамнинг катта масштабли геологик харитасини туздилар, бу харита мамлакатнинг табиий ресурсларидан актив фойдаланиш имконини беради. ВСР жанубида соҳил бўйи сувларида нефть ва газ разведка қилиш ҳамда қазиб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ВСР билан СССР ўртасида яқинда имзоланган ҳукумат битими янги истиқболлар очди.

Портлашнинг даҳшатли оқибатлари

НЬЮ-ЙОРК. 19 сентябрь куни «Титан-2» стратегик ракетаси портлаганидан кейин шикастланган ракета шахтасидан ракета ёнилғисининг ғоят заҳарли компонентлари ташқарига учиб чиқмоқда. Ўша атрофдаги қудуклардан бирининг суви заҳарли моддалар билан хавфли даражада заҳарланганлиги шундан дарак беради.

Арканзас штати соғлиқни сақлаш маҳкамасининг директори Р. Янгнинг айтишича, олинган намуналар стратегик ракета портлаши натижасида заҳарли кимиявий моддалар тупроққа ва сизот сувларига ўтганлигини «муайян даражада кўрсатиб турибди». Унинг сўзларига кўра зарарланиш даражаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги белгилаган нормадан ошиқ бўлиб жиддий касалликлар келтириб чиқариши мумкин. Баъзи бир доиралар «Титан-2» ракетаси портлашининг аҳоли учун хатарли оқибатларини камайтириб кўрсатишни истардилар. Р. Янг ана шу доираларнинг бундай уринишларини рад этиб, соғлиқни сақлаш органлари зарарланиш кўламининг кенгайиб кетиш эҳтимоли борлигидан ташвишланмаганларида эди тупроқни мунтазам суратда текшириб турмаган бўлишарди, деди. Медицина маъмурлари шу райондаги бошқа сув манбалари ҳам зарарланиши мумкин демоқдалар.

Аввал хабар қилинганидек Арканзас штати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг ходимлари илгари худди шундай текшириш ўтказганларида анча катта территориядаги экинлар ва ўсимликлар зарарланганлиги аниқланган эди. Бунинг устига, деб хабар қилди «Чикаго трибюн» газетаси, шу райондаги дарахтларнинг барглари ва меваларига қўл теккизган маҳаллий аҳолининг териси қаттиқ яллиғланиб кетаверди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтида «Трактороэкспорт» совет ташқи савдо бирлашмаси билан Ҳиндистон давлат фермалари корпорацияси вакиллари ўртасида СК-5-«Нива» дон йиғиштириш комбайнлари туркумини харид қилиш тўғрисида контракт имзоланди.

Ҳиндистонлик мутахассислар совет қишлоқ хўжалик техникасининг самарадорлиги ва пухталигини юксак даражада қадрламоқдалар. Ҳозирги вақтда мамлакат далаларида қарийб 35 мингта совет трактори, 140 та комбайн, «СССРда тайёрланган» деган тамға қўйилган бошқа кўпгина машиналар ишлаб турибди. Ғозиободдаги (Уттар-Прадеш штати) завод «Т-25» ва «Т-25 А» тракторларини совет лицензияси асосида тайёрлаб чиқармоқда.

Ҳиндистоннинг Панжоб, Ражастхан, Харяна, Орисса, Карнатака ва Керала штатларида СССРнинг ёрдами билан барпо этилган давлат қишлоқ хўжалик фермаларининг машина паркига буғдой ва шоли йиғиштириб оладиган янги комбайнлар келиб қўшилмоқда. Юқори сифатли уруғлик дон етиштиришга ихтисослаштирилган ана шу хўжаликларнинг далаларида совет машина-ускуналаридан кенг фойдаланилмоқда.

Жабр-зулм кучаймоқда

БУЭНОС-АЙРЕС. Пиночетнинг фашист режими Чилининг демократик кучларига қарши жабр-зулмни кучайтирмоқда. Сантьягодан олинган хабарларга кўра мамлакат пойтахтида, шунингдек бошқа бир қанча шаҳарларида махфий полиция ишчи кварталларида ёппасига одамларни қуршаб олиб, барча «шубҳали» кишиларнинг уйларини тинтув қилмоқдалар. Қамоққа олинган юзлаб чилиликлар кўп йиллаб қамоққа ташланиш, мамлакатнинг олис районларига сургун бўлиш хавфи остида қолди.

КЕМАСОЗЛАРНИНГ ҲАҚЛИ ТАЛАБИ

МАДРИД. Испаниядаги Уэльва шаҳри кемасозлик корхонасининг меҳнаткашлари маъмуриятнинг ишлаб чиқариш пасайиши муносабати билан 600 дан кўпроқ кемасоз ишчини ишдан бўшатиш ниятига қарши норозилик намойиши ўтказдилар.

Салкам беш ой муқаддам Уэльва меҳнаткашлари Испания меҳнат министрига мактуб йўллаб, мамлакат ҳукуматидан шаҳар кемасозлик корхоналаридаги оғир аҳволни тугатиш учун шошилинч чоралар кўришни талаб қилган эдилар. Аммо бу мактуб жавобсиз қолди.

Ишчилар кемасозлик корхоналари маъмуриятининг ишдан бўшатиш ниятидан қайтишига эришишга қаттиқ аҳд қилганликларини билдирдилар.

Камондан ўқ отиш Монголия Халқ Республикасида энг қадимги ва севимли спорт турларидан бири ҳисобланади. Бирорта ҳам байрам камончилар мусобақаларисиз ўтмайди. Бундай мусобақаларда эркаклар билан бирга хотин-қизлар, кичкинтойлар ҳам иштирок этадилар.

Миллий бойликларни таламоқдалар

ЛИМА. Кейинги беш йил ичида Перу черковлари ва ибодатхоналаридан мустамлакачилик даврига мансуб 250 та санъат асари ўғирлаб кетилди. Улар — 1,3 миллион доллардан ортиқ туради.

«Комерсио» газетасининг хабар қилишича, ўғирлаб кетилган асарлар орасида қадимий инклар империясининг пойтахти — Куско шаҳри машҳур рассомчилик мактабининг маҳсулоти, нозик тилла ва кумуш буюмлар бор.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/Х да **Шошма, қуёш**, 4/Х да **Абу Али ибн Сино**, 5/Х да **Соқов рицарь**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/Х да **Тўйдан олдин томоша**, 4/Х да **Хўжайин**, 5/Х да **Ур, тўқмоқ** (16.00), **Тўйдан олдин томоша** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирки артистларининг гастролляри** (19.30).

КИНО

3 ОКТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЕТРОВКА, 38» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ШАҲАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«СЕРЖАНТ ЦИБУЛЯНИНГ ДАЛА САФАРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«АГАР БУ СЕВГИ БЎЛСА-ЧИ?» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

4, 5 ОКТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЕТРОВКА, 38» — **Чанка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ШАҲАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«СЕРЖАНТ ЦИБУЛЯНИНГ ДАЛА САФАРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«АГАР БУ СЕВГИ БЎЛСА-ЧИ?» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«СОЮЗПРОМГАЗ»
Бутуниттифоқ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «ВНИИПРОМгаз» институтининг
УРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лабораторияларга кичик илмий ходимлар: химия ва нефть-химия саноатида газдан фойдаланиш, ёқиш жараёнларининг аэродинамикаси, қозон агрегатлар учун комбинациялаштирилган ёқиш ва ёзиш қурилмалари, газ ёқувчи агрегатларда иссиқлик алмашувини оптималлаштириш, газ саноатида газдан фойдаланиш, иссиқлик жараёнлари ва ҳисоблаш техникасини автоматлаштириш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда илмий-техника ахборотини стандартлаштириш ҳамда координациялаштириш бўлимига **кичик илмий ходим.**

Конкурс муддати — 27 октябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри — 143, Академиклар шаҳарчаси. Телефонлар: 62-06-41, 62-43-55, 62-23-86.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СЕРГЕЛИ ВА А. ИКРОМОВ РАЙОНЛАРИНИНГ АҲОЛИСИ

ДИҚҚАТИГА!

«УЗГЛАВТОПЛЕССТРОЙТОРГ»нинг
ТОШКЕНТ ЕНИЛҒИ БАЗАСИ
4-ЕНИЛҒИ СКЛАДИ ЖОЙЛАШГАН

Сергели районидаги саноат зонаси территориясида жамоат транспортининг йўқлиги муносабати билан

ЕНИЛҒИ УЧУН БУЮРТМАЛАР
ТОШКЕНТ ЕНИЛҒИ БАЗАСИДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ БИЛДИРАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125-уй (14, 56-автобуслар, 7, 10-троллейбусларнинг «Қизил партизан» бекати).

МУЗИКА АСБОБЛАРИ УЧУН — «МУЗИКА ЎЙИ»ГА

...МУЗИКА ОЛАМИ. ЖОЗИБАДОР ВА СЕҲРЛИ, СИРЛИ ВА ҲАЯЖОНЛАНТИРУВЧИДИР.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

СИЗ МУЗИКА АСБОБЛАРИНИ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ —ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 40-«МУЗИКА УЙИ» МАГАЗИНИДАН ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ҚУЙИДАГИЛАР САВДОГА ҚЎЙИЛГАН:

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган гитаралар, баҳоси 16 сўм 08 тийиндан 40 сўмгача;

электр гитаралари — «Орфей» (бас), «Ленинград», «Орфей» (соло), «Аэлита», «Форманта» — баҳоси — 170 сўмдан 212 сўмгача;

Германия Демократик республикасида ишлаб чиқарилган флейталар, «Альт» — баҳоси — 20 сўм, «тенор» — баҳоси — 25 сўм;

концертли ва ўқувчилар учун скрипкалар (1/8, 3/4, 4/4) гилофли ва гилофсиз — баҳоси — 20 сўмдан 76 сўмгача;

пианино — «Лирика», «Ласточка», «Белорусь», «Ноктюрн», «Юность — 3», баҳоси — 590 сўмдан 675 сўмгача;

баянлар — «Оркестрний», «Этюд», «Октава», «Соната», «Тула», «Дебют», «Тенор» — баҳоси — 113 сўмдан 649 сўм 30 тийингача.

аккордионлар — «Мрия», «Березка», «Аккорд», «Юность — 2» — баҳоси — 91 сўм 50 тийиндан 149 сўмгача;

гармонлар — «Ромашка», «Чайка», «Малиш» «Тульская» — баҳоси — 33 сўмдан 63 сўмгача;

саксафонлар — «Тенор», «Баритон», «Тенор-743»;

кларнетлар.

Магнитофон ёзувига ишқибозлар қўшимча усилитель олмасдан кетолмайдилар.

«МУЗИКА УЙИ»ДАН ҚЎЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН

«Юпитер-квадро» — акустик системали тўрт каналли усилитель. 4 режимда ишлайди: квадрофон, стерео; моно, ички ва ташқи;

«трембита», «Аккорд — 2», музикаларнинг электр товушларини ҳамда магнитофон товушини олиб эшиттиришни, радио приёмникларнинг баланд овозда гапиришини таъминлайди; музика асбоблари.

Миллий чолғу асбоблари:

«дуторлар» — «Прима», «Народний», «Бас»;
рубоблар — «Прима», «Қашқар»;
доира, най.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 4-уй (Чилонзор массиви, 5-квартал). Магазинга: 4, 9, 11, 19-трамвайлар; 6, 11-троллейбусларда, метрода — «Ҳамза станцияси» бекатигача бориш мумкин. Иш соатлари: 10.00 дан 19.00 гача, танаффус 14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

КУЗГИ ЖАВОНИНГИЗНИ ЯНГИЛАЁТГАНДА

Сўзсиз ҳар бир аёл ва эркак модали ва шинам кийинишни хоҳлайди. Ҳозирги замон модаси абадий эмас, ҳар ким ўзига ярашганини кияди, буни мода ҳам тан олади.

Янги буюм харид қилаётганда шуни унутмангки, бу мавсумда турли рангдаги кийимлар модали ҳисобланади. Бундай кийимлар аёллар, эркаклар, шунингдек ёшларга ярашиб тушади. Пушти, тўқ сариқ, оқ, тилла-жигар ранг, зангори, яшил ранглар шулар жумласидандир.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»нинг
36-МАГАЗИНИДА
КУЗГИ КИЙИМЛАРНИНГ КЎПЛАБ ХИЛЛАРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН:

ЭРКАКЛАР УЧУН — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган хушбичим ва чидамли костюмлар, гулдор ва сидирға кўйлаклар, сув ўтказмайдиган матодан тикилган плашчлар, мавсумий ва ёқа тутилган қишки пальтолар, мўйна тутилган ва тутилмаган болонья куртқалари;

АЁЛЛАР УЧУН — турли ранг, фасон ва размердаги кримплен, крепдешин, хон атлас, ацетат шойи кўйлаклар; ипакли, гулдор ва сидирға халатлар; тўқ қизил, жигар ранг, зангори, кримплендан мавсумий пальтолар, драпдан кундуз ёқа тутилган қишки пальтолар;

БОЛАЛАР УЧУН — ёрқин рангли жун, шойи матодан чиройли қилиб тикилган ва ажойиб тугмалар ўтказилган қизларнинг ҳар хил фасон ва размердаги кўйлаклари; мактаб формалари — блузкали сарафан, зангори ранг кўйлак; кўйлаклар, шимлар, костюмлар — болалар учун.

ТАЙЁР КИЙИМ ОЛИШНИ ИСТАГАНЛАР «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ 36-МАГАЗИНИДАН ОЛИШЛАРИ МУМКИН.

Адрес: Тошкент шаҳри, Новомосковская кўчаси, 17-уй (4, 5-троллейбус; 3, 22, 23-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекати).

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

БУ ХОНАНГИЗНИ БЕЗАЙДИ



Хонани безаш учун гилам ёки бошқа буюмлар, модали гарнитурлар бўлиши шарт эмас. Яхшилаб бўялган, ойнаванд эшиклар ҳам хонага ўзига ярашна кўрк беради.

Бунда «ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» бирлашмасининг гравировка қилиш цехи ходимлари гулдор ойна қўйиб беришда ёрдамлашадилар.

Буюртма қандай бажарилишини тушунтирамиз.

Янги ойна қўйиладиган эшик дарчасининг бўйини ва энини ўлчайсиз. Шундан кейин цехга келиб намуналардан расм танлайсиз. Намуналар ва уларнинг размерлари ҳақида буюртма қабул қилувчи огоҳлантирилади. Буюртмачининг ўзи уни бажаради.

Цехда қўшимча хизмат сифатида сервант ва ёзув столлари учун гул туширилган ойналар ҳам тайёрлаб берилади.

Агар расмларнинг мавжуд намуналари сизни қониқтирмаса (уларнинг баъзилари ана шу тахлитда), сиз ўзингиз олиб келган намуна бўйича буюртма беришингиз мумкин (намуна техник жиҳатдан бажара олинадиган бўлиши керак).

ЦЕХНИНГ ИШ ВАҚТИ: ҳафтанинг ҳамма кунлари, шанба ва якшанбадан ташқари, соат 9.00 дан 18.00 гача.



Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 16-квартал, 21-уй (50, 54, 34, 75, 79, 41, 70, 78-автобуслар; 19-троллейбуснинг метронинг «Чилонзор» станцияси» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
УЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ
104-ШАҲАР УРТА ҲУНАТ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун
ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ БЎЛГАНЛАР УЧУН 3 ИИЛ МУДДАТЛИ ЎҚИШГА: **автоматика ва контроль-ўлчов асбобларининг ремонти бўйича слесарь, ёритиш, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электр монтажчи, юқори вольтли электр узатиш линияларини монтаж ва ремонт қилиш бўйича электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, автокранчи, қозон агрегатлари машинисти, труба агрегатлар машинисти, электрослесарь, иссиқлик техникаси ускуналарининг ремонти бўйича слесарь.**

15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ИИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, ишлаб чиқариш практикаси даврида — пул мукофоти билан таъминланадилар.

Ўқишни тамомлаганларга билим юртида касб билан бирга ўрта маълумот олганлиги кўрсатилган диплом берилади.

Ўрта маълумотлилар учун бир йил муддатли ўқишга: автоматика ва контроль-ўлчов асбобларининг ремонти бўйича слесарь, юқори вольтли электр узатиш линияларини монтаж ва ремонт бўйича электромонтёр, станциялар ва подстанциялардаги таъсимлаш қурилмаларининг ремонти бўйича слесарь, автомобиль ремонти бўйича слесарь.

Ўқишни тамомлагандан сўнг аттестат берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТАМОМЛАГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР: **юқори вольтли электр узатиш линияларини монтаж ва ремонт қилиш бўйича электромонтёр, қозон агрегатлари машинисти, труба агрегатлари машинисти, электрослесарь, техника ускуналарининг ремонти бўйича слесарь.**

Ўқувчилар ўқиш даврида ойига 75 сўмгача стипендия, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофоти оладилар. Ўқишни битириб чиққанлар белгиланган формада аттестат оладилар.

Билим юртида пухта билим олиш, спорт билан шуғулланиш ва яхши ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шароитлар муҳайё. Билим юртида ётоқхона бор. Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, учта фотосурат (3х4 см, ҳажмда).

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт, ҳарбий рўйхатда қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент область, Оржоникидзе район, ТашГРЭС посёлкаси (115-автобуснинг «ТашГРЭС посёлкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча 6-12, 3-18, 6-26, 4-95.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, штамповкачилар, йиғувчи-слесарлар, асбобсозлар, ремонтчилар; металл қирқувчилар, қолипчилар, стерженчилар, ўймакорлар, йўнувчилар, қуйма металл зиҳни олувчилар, электрокара ҳайдовчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланади.

ТОШКЕНТ СУТ САНОАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

созловчи-слесарлар, ремонтчилар; электромонтёрлар, юкчилар, қурувчи-техниклар, ҳисобчи ходимлар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
8-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

гишт терувчилар, пайвандчилар, монтажчилар, дурадгорлар, бетончилар, бўёқчилар, сувоқчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланади.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ БЎЛИМИ БЎЛИНМАСИГА:

юкларни қабул қилиб топширувчилар, поезд тузувчиларга ёрдамчилар, йўл очиш постининг навбатчилари, вагонлар ҳаракат тезлигини регулировка қилувчилар, тепловоз ремонти бўйича слесарлар, газ-электр пайвандчилар, токарлар, шофёрлар, юкчилар, қурувчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

чорвачилик хўжалигида ишлаш учун — зоотехниклар, ветеринар-техниклар, ветеринария санитарлари, слесарлар, чорва молларни боқувчилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ КОРХОНАЛАРГА

ускуналар ремонти бўйича слесарлар, штамп ва пресс формалар тайёрлаш бўйича асбобсозлар; газ пайвандчилар, компрессор ускуналари машинистлари, токарлар, навбатчи электр монтёрлар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

3 ОКТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.25 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Калининград шаҳридаги 27-ҳунар-техника билим юрти директори А. С. Калабалин билан учрашуви. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.20 «Крошнинг таътиллари». Кўп сериялы телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 23.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Ўн етти ёшлилар». 2-кўрсатув. «Салом, 10-А!». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ! «Хўжалик механизмини такомиллаштириш». Кўрсатувни «Экономика ва жизнь» журналининг бош редактори Н. П. Ковинев олиб боради (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бир актёр театри». У. Ҳошимов. «Қуёш тарозиси» 20.30 «Ахборот» 20.50 С. М. Киров номли Уш музикали драма ва комедия театрининг солистлари, Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар О. Шабдонова ва Т. Бадинов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 КПСС XXVI съездига бағишланган Иттифоқдош республикаларнинг телевизион фестивали. Эфирда — Латвия телевидениесининг программаси. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

4 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильмлар программаси: «Баланд тепалик», «Рекс — артист». 10.35 «Крошнинг таътиллари». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 «Шахмат мактаби». «Оқ рух». 16.35 «Мураббий». Телевизион журнал. 17.05 «Космик трассаларда». Концерт. 17.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Сариқ чемоданнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 19.00 «Спортлото»нинг 40-тиражи. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». 20.00 А. Стрельченко, Т. Синявская, А. Ворошило, И. Кобзон, М. Магомаевлар иштирокида концерт. 20.20 «Крошнинг таътиллари». Кўп сериали телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Эрмитаж». XVIII аср Франция тасвирий санъати Кўрсатув Эрмитаж директори, академик Б. Б. Пиотровскийнинг кириш сўзи билан бошланади. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Жироло ва Жиголетта». Телевизион бадиий фильм премьераси. С. Моэмнинг шу номли қиссаси асосида. 23.30 «Чет эл эстрадасининг куй ва оҳанглари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» (Киев) — «Динамо» (Москва). Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.20) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.35 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «СССРнинг электроэнергетикаси». Географиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Таҳдир чизиғи». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «СССРнинг электроэнергетикаси». Географиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Меҳнинг меҳрибон дадам». Телеспектакль (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Шанбалик тўлқинларида». 19.10 «Йиллик планни 7 ноябрга бажарамиз». Тошкент автобус ташиш трести». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Доира оҳангида». «Ўзбектелефильм» студиясининг фильм-концерти. 21.20 «Қирғизистон ипаги». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Қўшиқ айтган ётар мурод-га». Ёш ижрочиларнинг телевизион конкурси. 23.20 Телевизион ҳужжатли фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденнесининг программаси.

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Костёр». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 18.00 «Ғоя туғилди». Бадиий фильм. 19.15 Москва. «Дунё воқеалари». 19.30 «Новости». 19.50 «Қонун, воқеалар, кишилар» (тожик тилида). 20.25 «Ахбор». 20.55 «Пахтакорларни мадҳ этамиз». Концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

4 Тошкент бет ОҚШОМИ | («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета. | БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

3 ОКТЯБРЬ, 1980 й. | Р—14132 | Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. | ИНДЕКС 64579. Б—2210.